

**СУРХАНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕТИШТИРИЛГАН ЎРТАПИШАР  
СОЯ ЭКОТИПЛАРИНИНГ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ  
Ҳамроева Марғуба Комиловна**

*Денов тадбиркорлик ва педагогика институти. (PhD) б.ф.ф.д.*

*E-mail: [marguba2184@mail.ru](mailto:marguba2184@mail.ru)*

**Азизов Тўхтамиш Аъзамович**

*Ўз.Р Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги*

*таълим сифатини назорат қилиши*

*давлат инспекциясида бўлим бошлиги, доцент*

**Ҳамроева Олим Баходирович**

*1-М-Б-20 гурӯҳ магистри*

*Денов тадбиркорлик ва педагогика институти*

**Рахимов Алишер Худойкуловични**

Республикамизда дон экинларининг майдони 1,300 минг гектардан зиёдроқ бўлиб, дон мустақиллигига эришилди. 2022 йилда соя майдонлари 200 минг гектардан ошди ва асосий экин сифатида экилмоқда, энг зарур экин сифатида маълум майдонларга соя ўсимлигини экиш ижобий ҳол ҳисобланади. Маълумки, соя энг яхши ўтмишдош ҳамда экологик тоза мойли экин сифатида катта аҳамиятга эга.

Соя ўсимлигининг энг яхши хусусияти шундаки, у дуккаклилар оиласига мансуб бўлган боис ғўза, буғдой ва бошқа экинлар учун энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Соя ўз дони, пояси ва илдизлари таркибида энг кўп миқдорда оқсил сақловчи экиндин, тупроқ соф биологик азот билан бойиб, унумдорлигини сақлаб қолиш имкони вужудга келади.

Соя ўсимлигини асосий экин сифатида экиб ўстириш агротехникиаси бўйича Д.Ёрматова, О.Яқубжонов, Х.Атабаева, М.Хамраева ва бошқалар республикамизнинг қатор тупроқ-икклим шароитларида ўтказган тажрибалардан ижобий хулосалар қилишиб, ишлаб чиқаришга тавсиялар беришган. Аммо, биз ўрганмоқчи бўлган соя экотиплари Ўзбекистон ва Краснодар селекциясини оид

навлар бўлиб, улар янги яратилган, Давлат Реестрига янгидан киритилган бўлиб уларнинг агротехникасини ҳозиргача бирон мутахассис томонидан ўрганилмаган. Биз ҳозир ўз тажрибамизда соянинг Маданият “Б” ва Сербиядан келтирилган “Тайфун” навларини экдик ва қуидаги кузатишларни олиб бораяпмиз.

Шунинг учун биз, бу янги экотипларни Сурхондарё вилоятида асосий экин сифатида ўрганишни ўз олдимизга **мақсад қилиб қўйдик**:

*- республикада катта майдонларини эгаллаётган мойли экин сифатида ўртапишар соя навларини асосий экин сифатида экиши ва ривожланиши динамикасини, биологик хусусиятлари, соя навлари уруғларини Нитрофикс Ж инокулянти билан ишилаш, илдизларида туганаклар ҳосил бўлиши динамикаси, ҳосилдорлик элементларининг шаклланиши ўрганиши эди. Республиkanинг жсанубий худудида ўртапишар соя навлариниг агротехникасини ишлаб чиқишига тавсиялар беришга бағишиланган.*

Ўртапишар нав назорат сифатида янги Маданият “Б” нави олинади, Сербиядан келтирилган Тайфун нави билан таққослаб ўрганилади. Ушбу иккита соя экотипининг ривожланиш динамикаси, уруғларни экишдан олдин суюқ Нитрофикс Ж инокулянти билан ишлаб экилди. Экиш меъёри гектарига 80 кг. миқдорда соя уруғи ташланди. Уч хил муддатда экилади 20 апрел, 27 апрел ва 4 май кунлари экилади. Хар иккала соя навининг ўсиши, ривожланиши ҳамда морфологик органларининг шаклланиши, биометрик ўлчашлар ва бошқа кузатишлар назорат нав Маданият “Б” билан таққосланиб кузатишлар олиб борилади.

Магистратура ўқиши давридаги йиллари давомида қуидаги вазифалар бажарилади:

– соя экотиплари экилган майдонларда тупроқнинг агрокимёвий таркиби яъни гумус, азот, фосфор ва калий моддалари миқдорининг соя экишгача ва экишдан кейинги таъсирини аниқлаш;

- асосий экин сифатида экилган соя экотипларининг уруғларини экишдан олдин суюқ Нитрофикс Ж инокулянти билан ишлаб экилади ва иссиқ иқлим шароитида униб чиқиш, ўсиш, ривожланиш жараёнларини (онтогенезини) ўрганиш;
- соя экотиплари илдизларида экиш муддатлари қараб тугунак бактериялар шаклланишини ва уларнинг тупроқда ҳосил бўлиш сони ва жойлашиш горизонтларини ўрганиш;
- соя экотиплари экиш муддатларига соя навларида ривожланиш фазаларида барг сатхининг ўзгаришини аниқлаш;
- эртапишар соя экотипларида ҳосил элементлари яъни гул, дуккаклар шаклланиши, ҳосилдорлик структураси ва дон ҳосилдорлигига турли экиш муддатлари таъсирини аниқлаш;
- тадқиқотлар натижасида илмий жиҳатдан асосланган бўз тупроқларда энг қулай экиш муддати соя навларини экиб ўстирганда ҳосилдорлигига ва кимёвий таркибига қараб иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ҳамда энг яхши экиш муддатини биринчи марта ишлаб чиқаришга тавсия этиш.

Сурхондарё вилоятидаги асосий экин сифатида ўртапишар соя навининг дон учун яратилган Маданият “Б” ҳамда Сербия экотипи Тайфун навлари биринчи марта ўрганилади. Ушбу навларнинг етиштириш агротехникаси мутлоқ ўрганилмаган ва қайси муддатда экилганда дони таркибидан май миқдори юқори бўлиши аниқланади Олиб бориладиган илмий тажрибалар Сурхондарё вилоятида биринчи марта бажарилмоқда.



### **Тадқиқотларни ўтказиш услублари.**

Ўрганилаётган дала тажрибалари Шолицилий Илмий тадқиқот институти ишлаб чиқсан илмий услублар асосида ўтказилди. Тажриба дала услубида, 4 карра такрорланишда 1-жадвалда акс эттирилган тизимда олиб борилади. Пайкал юзаси 56 кв.м (эни 2.40 м,

узунлиги 20 м.), ҳисобга олинган ўсимликлар сони 20 та, вариантлар сони 27 та. Такрорлар икки ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир бўлак (делянка)нинг боши ва охирида ҳимоя майдонлари учун жой қолдирилади.

1-жадвал.

### **Тажрибани олиб бориш тизими**

<b>№</b>	<b>Нав номи</b>	<b>Вариантлар</b>
1.	Маданият “Б”, Тайфун -1 такрор	Назорат
2.	Маданият “Б” Славия, Селекта 201-1 такрор	20 апрел Нитрофикс Ж билан
3.	Маданият “Б”, Тайфун 1 такрор	27 апрель назорат
4.	Маданият “Б”, Тайфун 1 такрор	27 апрель Нитрофикс Ж билан
5	Маданият “Б” Тайфун - 1 такрор	4 май назорат

### **Тажрибада қуидаги кузатувлар ҳисоблар, ўлчовлар ўtkазилади.**

Тажриба ўтказилган дала тупроғининг агрокимёвий хоссалари соя экилгунча ва ҳосилни йиғишириб олгандан кейин намуналар олиниб ўрганилади.

Тажриба майдонида барча вариантларда кўз билан чамалаб, фенологик кузатишлар ўтказилади. Ўсимликнинг униб чиқиши, биринчи учталик барглар ҳосил қилиши, ғунчаласи, гуллаши, дуккаги шакллана бошлиши, дуккагининг қўнғир рангга кириши ва пишиши қайд этилди. Майсаларнинг униб чиқиш фазаси 10 ва 75 фойизда белгиланди. Соя навларининг ривожланиш фазалари бошланиши ва тугаши худди шу тарзда белгиланиб борилади. Униб чиқиш даври биринчи учталик барглар ҳосил бўлгунча ҳисобланди. Соя ўсимлигига униб чиқиш, биринчи учталик баргларнинг ҳосил бўлиши, ғунчалаш, гуллаш, дуккакларнинг ҳосил бўлиши ва пишиш фазалари қайд қилиб борилади. Бу фазалар доимо 10 ва 75 фойизда методик услугга асосан белгиланади. Фенологик фазаларнинг шаклланиши барча вариантларда бир кунда дала

дафтарига қайд қилиб борилади.

-соя навларининг экиш муддатига қараб барча варианларда навларнинг морфологик ва биологик хусусиятларига қараб, ўсиш ва ривожланишини кузатиш учун ҳисоб пайкалларидан 10 тадан модуль ўсимликлар ажратиб олинниб, уларга ёрлик (этикетка)лар осиб қўйилди. Барча биометрик кузатишлар ана шу ўсимликларда олиб борилди. Ҳар 15 кунда модуль ўсимликлар бўйининг баландлиги ўлчанди, ҳосил бўлган барг, ён шохлар ва дуккаклари сони санаб чиқилди;

-соя навлари униб чиққанидан сўнг биринчи учталик барглари тўлиқ ҳосил бўлгач илдизларида туганаклар сони аниқланди. Биз хозир соя ўсимлиги илдизларида ҳосил бўлган тугунакларни аниқлаяпмиз. Кейинчалик эса, соя навлари илдизларида тугунакларнинг жойлашиш горизонтлари ҳамда улар сони ва массаси тажриба варианларида ривожланиш фазаларида таҳлил қилиб борилади. Шунингдек туганакларнинг асосий ёки ён илдизларда жойлашиши ҳам ўрганилади.

Соя навларида дуккаклари тўлиши фазасида барг сатҳи А.А.Ничипорович (1963 й.) усулида аниқланади.

#### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Атабаева Х.Н.-Технология возделывания сои в Узбекистане -Т. Матбуот, 1989г.
2. Атабаева Х., Рузиев А. -Урожайность кукурузы и сои в повторных смешанных посевах - Ж.С-х.Узбекистана, 2000г.
3. Горелов Е.П., Бабаяров М. - Соя на сероземах Узбекистана. Кормопроизводство, 1984г.
4. Д.Ёрматова., Н.Шамуратов – Донли экинларни етиштириш технологияси. Тошкент – 2012й.
5. Ёрматова Д.Ё. – СОЯ. Самарқанд- 1991й. 153 - бет